

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 37 (5.928) • 1986 йил 13 февраль, пайшанба • Баҳоси 3 тинги.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Зарбдор меҳнатимиз — коммунистлар анжуманига

Қизил байроқли коллективларда

Интенсивлаштириш йўлидан

В. П. Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективини 1985 йил ва ўн биринчи беш йиллик республика социалистик муسابосининг якунига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон қасаба соҳалари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан таъдирланди.

Тошкентлик самолётсозлар ўн биринчи беш йилликда яхши ҳужалик юритиш, рекурслардан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириш шiori остида меҳнат қилдилар. Ишлаб чиқариш бошқаруши тақомиллаштириш ва интенсивлаштириш, дастдоҳлар паркинни қайта қуроллантириш ва янгилас, замонавий самолётсозлик технологиясини ўзлаштириш, интизом ва тартибни мустақамлаш борисида жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Натижада корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича беш йиллик топириқни тўрт йиллик саникка ойда бажаришга муваффақ бўлди. Меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар кўпайди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш беш йиллик топириғини 1985 йилнинг 19 октябрида удаланди. Шарҳнома мажбуриятлари ҳам барча кўрсаткичлар бўйича бажарилиди.

1980 йилдан бошлаб корхонада ишни бригада пудрати усулида ташкил қилишга киришилди. Бу ишчи кузларини аниқ топириқларни бажаришга йўналтириш имконини берди. Айни пайтда меҳнат интизими мустақамланди, ташаббускорлик ошди, технология жараёнлари тақомиллаштирилди.

Бунга бир мисол келтирайлик. Коммунист Валерий Иванович Кияшченко етакчилик қилаётган слесарь йиғувчилар бригадаси меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича беш йиллик топириқни 3,5 йилда бажаришга эришти. Коммунист, КПСС XXVII съездининг делегати Владимир Тўйчевич Одилов етакчилик қилаётган бригада меҳнат унумдорлигини икки баравар оширишга муваффақ бўлди. Корхонада юзлаб ана шундай пешадама коллективлар мавжуд.

Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида республика мидаги 18 ишлаб чиқариш илгорининг ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди. Вагапарварлик ҳаракатининг ташаббускорлари назоратда корхона механика цехининг силдирловчиси, коммунист И. М. Басанев ҳам бор эди.

Фақат ўн биринчи беш йилликнинг якуновли йилда 65 та рақамли бошқариладиган металл қирқич ва йўналиш ускуналари ўрнатилди. Ҳозир корхонада 900 дан зиёд рақамли бошқариладиган дастдоҳ ишлаб турибди. Кўп дастдоҳга хизмат кўрсатаётганлар 450 кишига етди. Оғир меҳнат талаб қиладиган, зерикарли ва бир хил операциялар амалга ошириладиган участкаларда робот-техника комплекси ишлаб турибди. Механика-йиғув цехида бир неча операцияни амалга оширадиган пресс-автоматлар жорий этилди. Бу автоматлар бир вақтининг ўзида ўнта операцияни амалга оширади. Бир минутада 16 та деталь тайёрлаш мумкин.

Янги технология жараёнлар, рақамли бошқариш дастдоҳлари, автоматик линиялар ва катта ҳажмидаги трубаларни пайвандалашнинг автоматлаштирилиши, кичик механизациянинг жорий этилиши туфайли қўл меҳнати янгилик қисқартиришга эришилди. Иш жойларини аттестациядан ўтказишни тақомиллаштириш орқали 2400 дан зиёд ишчи жойини тақомиллаштирилди. Бу йилда 70 миң сўмликдан зиёд иқтисодий самара бермоқда. Кўплай ишчилар касб маҳоратларини ошириб, турлоб касбларни ўрганишга эришилди. 400 дан зиёд ишчи бир вақтининг ўзида тўрт-беш операцияни бажариш малакасига эга бўлди.

Интисод ва тежамкорлик соҳасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қора, рангли металллар ва алюминийдан қопиллар тайёрлаш жараёнлари тақомиллаштирилди. Бунинг натижасида кўплаб микродра маҳсулот ишлаб чиқариш, буюмлар таннарихни арзонлаштириш, хом ашёни тежаб қолтиш имкони вукудга келди.

Юксак муқофотдан руҳланган самолётсозлар 1986 йил топириғини 28 декабрда бажариш, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ярим процентга ўстириш, топириққа қўшимча равишда 100 миң сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш бўйича муқобил план қабул қилинди.

«Ударник» газетаси редакцияси — «Тошкент оқишом» коллектив муҳбири.

Партия ахбороти

Съезд қарорлари — ҳаётга

Октябрь революцияси номидаги тепловий ремонт заводи коллективи аъзоларидан тўрт киши — пўлат қувур цехининг қувочисини Е. Маршалов, электр-машинна цехи ишчиси А. Шабанова, меҳнат ветерани Н. Железнов, завод бошлиғи М. Мартянов, Ўзбекистон Компартияси XXI съезидида иштирок этдилар. Улар съезддан ўз коллективларига янги фикрлар, истибқоб режалари билан қайтишди.

Съезд делегатлари меҳнат коллективлари ўртасида, цех ва участкаларда бўлиб, съезд коммунистлар, барча меҳнатчилар олдига қўйган масъулиятни вазибалар ҳақида сўзлаб беришмоқда. Ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида янада кўпроқ ташаббус кўрсатиш, ишда қатъият ва масъулиятни ошириш, корхона ва цехларда амалга ошириладиган ишларга янгиликларни таъкидламоқдалар.

Корхонамиздан делегатларнинг меҳнат коллективлари хузурида айтган сўзлари уларни янги марралар сари индохлантиряпти, — дейди завод партия комитети секретари А. Борсуков. — Фақат съезд делегатларининг эмас, балки барча идеология активистлари, пропаганда-агитация бўлимида қўйилган барча вазибаларни муваффақиятга етказишга меҳнат коллективларини сафарбар этиш юзасидан қизғин иш олиб боришяпти.

Қатъият ва ўзаро талабчанлик

«СССР 50 йиллик номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистлари ва барча меҳнатчиларининг Ўзбекистон Компартияси XXI съезиди қарорлари асосида олиб бораётган ишларини ана шу сўзлар билан таърифлаш мумкин.


Бу ерда бўлиб ўтган партия ҳужалик этилиши йилда 1985 йил иш якунлари ва КПСС Марказий Комитетининг апрель ҳамда октябрь (1985 йил) Пленумлари талаблари асосида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш самардорлиги ва иш сифатини ошириш масалалари муҳокама этилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезиди томонидан қўйилган конкрет амалий вазибалар асосида кўриб чиқилди. Ҳозир партиянинг талаб қиладиган индекс тўлиқ аввало коммунистлар анимасидида масъулият янада оширишга, ўн иккинчи беш йилликда янги, улкан марраларни қўлга киритишга эътибор қаратилляпти.

Ингилишда сўзга чиққан 19-йиғув цехининг бригадаси бошлиғи Б. Ҳакимов, 18-механика цехининг бригадаси бошлиғи Н. Головачева, 2-механика-йиғув цехининг бошлиғи А. Мелкумов, 24-пресслаш-пайвандаш цехининг мастери М. Назирова, корхона бош инженерининг ўринбосари Л. Русаков, партия комитетининг секретари Х. Шагнев ва бошқалар съезд борилиши зарур бўлган мураккаб ва қизғин ишлар ҳақида, партия, давлат ва мустақамлаш, ҳар бир цех партияни ташкилотда, ҳар бир меҳнат коллективини ишчиларнинг аҳолисини яхшилаш, бутун ишлар самардорлиги ва сифатини ошириш юзасидан ўзларининг конкрет, амалий тақияфларини айтишди.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорига биноан 1989 йилда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилади. Бу Совет давлати тарихида еттинчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатидир. Умумий аҳоли рўйхати миллионларга қараб аҳолининг республикалар, областлар, шаҳарлар ва қишлоқларда жойлашув, миллий состави, маълумоти, меҳнат ресурслари мавжудлиги, аҳолининг халқ ҳўжалиги соҳалари бўйича банд бўлиши ҳақида аниқ тасавуруга эга бўлиш мумкин.

Аҳоли рўйхати ўн учинчи беш йилликда ва ундан кейинги даврга мўлжалланган ис-

Замондошимиз



Ишга, ўз касбига меҳрин шундан ҳам билиш мумкинки, беш йилги корхонада меҳнат фаолиятини бошлагандан сўнг Ватан олдидаги бурчини ўташ учун Совет Армияси сафига жўнайдди, у ердан қайтиб келгандан сўнг яна ўз қадрдон корхонаси кучида севимли ишини давом эттирди. Рустам Болтқ Бўйида Совет Армияси сафларида хизматдан қайтган, мана уч йилдирки, ўзи севган тонарлик касбидида сиқидилган ишлаб келяпти.

Рустам Қўқоровни Тошкент «Геологоразведка» тажриба-механика заводи коллективини жуда ҳурмат қилади. Бу йил унга «Коммунистик меҳнат зарбдор» номи берилди.

Яқинда унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. У КПСС аъзоллиғига кандидатликка қабул этилди. Шунинг учун

ҳам Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезиди қўйган янги, масъулиятли вазибаларини изчил амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишга интиляпти. У фақат меҳнатда намуна бўлибгина қолмай, съезд қарорларини меҳнат коллективини ўртасида кенг туршунтиришга ердан беришти, корхонада олиб бориладиган маданий-оқартув ишларида фаол иштирок этипти. Айниқса у йилда ўртасида қўйилган ва мароқли дам олишни оқилона ташкил этишга, бўш вақтдан унумли фойдаланишга эътибор берилди. Корхонанинг кўпчилик ишлари ишлаб чиқариш илгори Рустам Қўқоровдан намуна ололмоқдалар.

СУРАТДА: Тошкент «Геологоразведка» тажриба-механика заводининг тонари Р. Қўқоров. Т. Каримов фотоси.

ФАН ОЛАМИДА

Робот техника программаси

Саноат корхоналарида автоматлаштириш воситалари ҳамда роботлаштирилган комплексларни жорий этиш борасида республикамизда даст-қилишлар қилинмоқда. Бундай муҳим техникавий тадбирлар халқ ҳўжалигида катта иқтисодий фойда ҳам келтиради, албатта. Бунда шўбҳасиз, кибернетиканинг роли алоҳида ўрин тутаяди.

Ана шу жараёнларни атрофлича ўрганиш бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Тошкент экскаватор заводи, Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг геологоразведка корхоналаридаги кузатишлар маълум участкаларга автоматлаштириш воситалари ҳамда роботлаштирилган комплексларни ишлаб чиқариш юзасидан таъсияномаларни хозирлаш имконини берди.

Шунингдек, техникавий программалар тайёрлаш борисида маълум тажриба орттирилди. «Кибернетика» бирлашмасининг беш тадқиқотчилари республика «Роботтехника» программасини амалга оширишда самарали ишларни бажаришмоқда.

Илм сирларига интилиб

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети шайриликдаги қатор Билим ўқувчлари билан яқин алоқа боғланган. Олий ўқув юртининг физика-математика факультети профессор-ўқитувчилари ҳам толиби илмларга ўз билими ва маҳоратларини сиқидилган сингдилар, уларга ана шу фанларга катта қизиқиш уйғотмоқдалар.

Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройида жўшқин фаолият кўрсатаётган аҳоли рўйхати таъкидлаш мумкин.

маларни ўрганишга бағишланган илмий анжуманларни ўтказишга ҳам келишиб олинди. Бундай катта симпозиумдан бири Тошкентда ўтказилади. Бу йил бўлидиган бу муҳим археологик тадбирга Ўзбекистон ва Франция мутахассислари қизғин таъйиғарлик ишларини бошлаб бориладар.

Яна икки йилдан сўнг ана шундай симпозиум Парижда давом эттирилади. Илмий анжуманларга хозирлик қўриш жараёнида симпозиум кун тартибига киритилган мазмунлар бўйича тўпلامлар тайёрланиб, chop этилади. Тошкент симпозиуми олдидан ҳам илмий ишларни ўз ичига олган китобни нашр этиш тарадудин кўрилмоқда.

Янги ихтисослик бўйича

Ҳисоблаш техникасини кенг раванқ топириш жараёнида автоматик телефон станцияларини учун қўллаб қопламатсион вазибаларни яратишга муваффақ бўлиди. Бунда шўбҳасиз, электрон ҳисоблаш машиналарининг қўлмағи каттадир.

Электрон АТСларни қўллаш учун ана қатор техникавий тадбирларни амалга ошириш, шу соҳанинг малакали кадрларини қўллаб тайёрлаш мақсадида Тошкент электротехника алоқа институтинда ҳам ибратли ишлар қилинди. Булар жак инженер техника ходимларини тайёрлашни назарда тутиб, олий ўқув юртида янги ихтисосликни ўқитишга киришилди.

«Электралоқани бошқарувчи системаси» ихтисослигига мослаштирилган бу тадбир муваффақиятга амалга оширилмоқда. Бу масала билан назарий ва методик йўсинида бевосита шуғулланганида тегишли кафедрани ҳам очилди.

Келгуси ўқув йилида ана шу ихтисослик бўйича шуғулланувчи инженерларнинг биринчи отряди тайёрланади.

Ватанпарварлик программаси

Кенса создалардан ташкил топган Тошкент шаҳар духовий оркестри концертлари томошаниларга манзур бўлмоқда. Бу бадий хаваскорлик коллективини республикада хизмат кўрсатган артист Л. Ройтбаб бошчилигида кейинги вақтда қатор янги музика асарларини тайёрлаб, ўз мухлисларига тақдим этиди.

Бир неча жазибдор куйлардан тузилган концерт программаси ҳам оркестрнинг навбатдаги яхши йутуги бўлди. Ана шу янги программа Қизил байроқли Тошкент ҳарбий округи концерт залидида янгради.

Томоша бошланиши олдиндан эйтиди.

Бундан ўн йил муқаддам таъкидлик археолог олим профессор Г. А. Пугаченко ва Францияда бўлиб, ҳаммаслари билан катта даврада суҳбат қурган эди. Ушунда унга Страсбург университети таъкидлик фахрий доктори илмий даражаси берилганди.

Ушунда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Г. Пугаченко ва француз археологлари билан илмий алоқалар боғлаш юзасидан ўзаро фирқалаш олган эди. Кейинчалик Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология илмий текширишлар миллий маркази ўртасида икки йиллик ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди.

Ана шу икки йиллик тадқиқот ўчоғи илмий алоқаларни мустақамлаш мақсадида шартнома имзоланди. Тўрт йилга мўлжалланган бу ҳужжатда муҳим археологик тадқиқотлар бўйича кўзда тутилган. Шу мақсадда илмий ходимларнинг жойларда стажировкалари ташкил этилади.

Қадимий археологик топилашларни амалга ошириш, шу соҳанинг малакали кадрларини қўллаб тайёрлаш мақсадида Тошкент электротехника алоқа институтинда ҳам ибратли ишлар қилинди. Булар жак инженер техника ходимларини тайёрлашни назарда тутиб, олий ўқув юртида янги ихтисосликни ўқитишга киришилди.

«Электралоқани бошқарувчи системаси» ихтисослигига мослаштирилган бу тадбир муваффақиятга амалга оширилмоқда. Бу масала билан назарий ва методик йўсинида бевосита шуғулланганида тегишли кафедрани ҳам очилди.

Келгуси ўқув йилида ана шу ихтисослик бўйича шуғулланувчи инженерларнинг биринчи отряди тайёрланади.

15 февраль—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик кунин

Тайёргарлик қизғин

Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик кунин тобора яқинлашиб келмоқда. Шу кунга юксак унум билан ишлаб, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган шахаримизнинг барча саноат ва кўрмачилик коллективлари меҳнат байрамига қизғин тайёргарлик кўришляпти. Ҳар бир корхона ва кўрмачилик таъкидотларида тузилган шанбалик штабидида бажариладиган ишлар плани яна бир бор шиқитиб олинмоқда. Шу муносабат билан муҳбиримиз бир неча корхона ва кўрмачилик таъкидотлари билан боғланиб, жойларда меҳнат байрамц юзасидан олиб бориладиган тадбирлар билан қизиқди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини шанбаликка пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Бригадамиз аъзолари шанбалик кунинда ўз дастдоҳлари ёнида стахановчилик меҳнат қиладилар, — дейди комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Ленин комсомоли муноқоти лауреати Машкура Қодирова. — Улар сьездолди зарбдор вахтасини давом эттириб, смена давомида иқтисод ва тежамкорликка алоҳида эътиборни қаратилляпти. Чунки бригадамиз коллективининг мақсади шанбалик кунин тежалган хом ашё ва энергия ҳисобига меҳнат қилишидир.

Бирлашма коллективи ўн иккинчи беш йилликда юксак марраларни қўллаб меҳнат қиляпти. Икчи трикотаж ишлаб чиқариш ҳажмини 1,7 баравар кўпайтиришга, пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган коллектив шанбалик кунинда ишлаб топилган тўғизи миң сўмлик

мабларни беш йиллик фондига ўтказишга азму-қарор қилишган.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг меҳнат ва цехларидида ҳам меҳнат байрамига қизғин тайёргарлик бормоқда. Комбинатнинг 2-йиғув фабрикаси тараш цехининг М. Раҳмонов бошчилиги қилаётган бригадаси коллективини шанбалик кунинда смена топириқларини 140-150 процентга етказиб бажаришга аҳд қилишган.

Бир сменадда пландаги 13 тонна 200 килограмм ўрнига 14 тонна маҳсулот ишлаб чиқараётган бу коллективнинг А. Светков, Б. Камолова, Н. Умиров сингилари пешадама ишчилари шанбаликда фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаб туришляпти.

Комбинатнинг 3-тўқув фабрикаси бўйича шанбаликда 530 киши ақтаниб қатнашади. 70 миң погон-метр назлама, 5 тонна каллава ил тайёрланади. Меҳнат байрами кунинда

аҳд қилинган. Айни пайтда корхонада шанбалик кунин бажариладиган ишларнинг плани тузиб чиқилди.

15 февраль кунин комбинатнинг 600 машинаси ҳам-шаҳарларимиз хизматига бўлади. Ишлаб топилган маб-ладининг 2 миңг сўми ўн ик-

Юксак аҳд

«Йиллик планни шу йилнинг 29 декабрга бажариш ва планга қўшимча 15 тонна ишлаб чиқариш» — дейилади Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи йиғув фабрикасининг илгор меҳнат коллективларидан бири — қайта тараш пилталас цехи коллективининг мажбуриятларида. Шунингдек, мазкур коллектив цех бўйича оқлик кўрсаткичларини ўртача 104 процентга етказиб удаллашга, меҳнат унумдорлигини шу йил планга кўра 1 процент ўстиришга, икки кун тежалган хом ашё билан ишлашга, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, иш жойларини аттестациялашга тугаллаш ва 1 миңг сўм иқтисодий самара беришдан ташқари рационализаторлик тақияфларини ишлаб чиқаришга жорий этишга қарор қилишган.

2-уисозлик комбинатига қарашли 60-қирқинчи бошқарушнинг В. Солиханова бошчилиги қилаётган комплекс бригадаси коллективини меҳнат байрамидида юксак унумдорликка эришишга аҳд қилган. Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ гайратга-гайрат қўшиб ишлаётган коллектив ҳозирда графикадан 20 кун ўзиб меҳнат қиляпти. Бригаданинг 18 аъзоси турдош касбларни ўзлаштириб олган. КПССнинг XXVII съезиди очилган кунгача биринчи квартал планини бажаришга аҳд қилган бригада аъзолари шанбалик кунинда смена топириқларини 1,5 хисса ортинчи билан бажаришга аҳд қилишди.

Ошхона мебели ва бошқа мебеллар заводида шанбалик кунин конструкцияси ва пардоз яхшиланган ошхона мебеллари учун 350 дан ортин комплекс тайёрланади. Ўнлаб турдоғи фурнитур ва омманйи ахтиёб товарларидан 3 миңг сўмлик ишлаб чиқарилади. Шанбаликда топириладиган маҳсулотларнинг барчаси тежаб қоллинган хом ашё ва ёнгилик-энергетика ресурслари ҳисобидан тайёрланади.

Цехда меҳнат унумдорлиги ҳам юқори. Меҳнат унумдорлиги юқори бўлган жойда аса план-топириқлар ҳам албатта қўйилгандадек удаллашмоқда. Бунда коллективнинг пешадама ишчилари дўстларига ўрнак бўлмоқда. Жумладан цехнинг энг яхши ишчиларидан қайта таровчи С. Макар ўтган ой топириғини 118 процентга удаллаб, «Цехнинг энг яхши қайта таровчиси» деган шарафли номга сазовор бўлди.

Шунингдек, меҳнатнинг самарали усули — бригада пудрати асосида ишлаётган муҳир ишчилар бригадаси Советининг аъзолари Р. Бикмурзиева, Э. Вгорушина, Г. Аҳмедова, У. Нуриддинова, А. Сатторова ва бошқалар ҳам ўз меҳнат кўрсаткичларини олий сифатли қилиб, иш суръатини оширишмоқда.

Мазкур коллективда жонназор партиянинг таъкидлаган XXVII съезиди шарафига зарбдор меҳнат вахтаси қизғин авж олган. Айниқса, цехда съезд шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбалик кизгин тарадуд кўрилмоқда. Бригадалар коллективлари махсус графика асосида шанбалик ҳисобига ишлаб, меҳнат байрами кунини қўллаб микродра кунини ашё ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришга, ишлаб топилган маблагларнинг ҳаммасини Тинчлик фондига ўтказишга азму қарор қилган жойда меҳнат қилишмоқда.

М. Шаропов, А. Нинитин, Ф. Сакаев, Ф. Расулов, Г. Елдоқимова, К. Қодиров сингилари қурувчилар кунининг нормаларини 1,5 хиссадан бажаришга аҳд қилишган.

Участка коллективининг шу кунги фидокорлик меҳнатидан тушган барча маблаглар ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилди.

Э. ТУЛАГАНОВ.

Беш йиллик фондига

Пойтахтимиздаги барча меҳнат коллективлари қатори Тошкент шаҳар пасажир автотранспортини ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 1-автомобиль комбинати ҳайдовчилари ҳам меҳнат байрамини юксак кўрсаткичлар билан ишонилан.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трестга қарашли 9-қурилиш бошқармасининг Хожимурод Исманов бошчилиги қилаётган 3-участкаси коллективини ҳам 15 февралда ўтказиладиган коммунистик шанбаликка пухта тайёргарлик қўриляпти.

Мазкур участкага қарашли В. Гоммер бошчилигидаги монтажчилар ҳамда В. Пет-

ров етакчилиги қилаётган комплекслашган бригада аъзолари шу кунин пойтахтимизнинг Педдагогика кўчасидаги хореография билим юртига туташ ҳолда бунёд этилган учинчи янги ўқув корпуси биносини қурилишида фидокорона меҳнат қиладилар.

Коммунистик шанбалик кунин мазкур бригадаларнинг

1989 йилда аҳоли рўйхати ўтказилади

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорига биноан 1989 йилда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилади. Бу Совет давлати тарихида еттинчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатидир. Умумий аҳоли рўйхати миллионларга қараб аҳолининг республикалар, областлар, шаҳарлар ва қишлоқларда жойлашув, миллий состави, маълумоти, меҳнат ресурслари мавжудлиги, аҳолининг халқ ҳўжалиги соҳалари бўйича банд бўлиши ҳақида аниқ тасавуруга эга бўлиш мумкин.

Аҳоли рўйхати ўн учинчи беш йилликда ва ундан кейинги даврга мўлжалланган ис-

тиқиб олиш мақсадида аҳоли рўйхати таъкидлаш мумкин.

Аҳоли рўйхати таъкидлаш мумкин.

сасалар иши учун асосий манба бўлиб қолади. Ҳозирги таъкидлашнинг буюк фаълиятлари, кенг тарқатилиши, латинларни акс эттиришда шахаримиз аҳолисини сонининг ўсиши, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг тубдан ўзгаришини ҳар томонлама ўрганиш учун аҳамиятга мولىдиган.</

Санъатнинг сеҳрли олами

Нодир ва ҳаётбахш

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг республика тасвирий санъати бўлими залларидан бирида энг йирик тасвирий санъат асари, расом Павел Петрович Бенковнинг «Ўзбекистон ССРнинг эълон қилиниши» полотноси намойиш этилмоқда.

1940 йилда янҳосига етказилган асарда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1925 йилдаги биринчи съезди акс эттирилган. Расом П. П. Бенков 1929—1949 йилларда Самарқандда яшаб, ижод қилган. Унинг ҳаёти ва ижоди республикамиз маданияти ҳаёти билан боғлиқ эди.

У республикамизга келгандан бери шу асар устида узоқ изланди. Тарихий материаллар билан танишди. Жуда кўп эскиз, этюд асарлар яратди. Ниҳоят, ун йилдан сўнг мой бўёқда, интернацио-

М. АХМЕДОВ.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУХБАТЛАР



Бахтиёр давронимиз, Бегубор осмонимиз.

Даврага кел, дугона, Уйнаб кулар онимиз...

Завқли машғулот

Мактаб ислоҳоти талаблари бўйича шу ўқув йилидан мамлакатимиздаги барча билим ўқоқларида жисмоний тарбия комплекс программаси жорий этилди.

Ўқитиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи бу муҳим ташаббуси таълим йилида ГТО комплекси билан ҳам мустахкам алоқага эга.

Маъмур комплекс программаси физкультура-соғломлаштириш тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Шу мақсадда

мактабларда физкультура минутлари ҳам ўтказила бошланди. Бундай машғулотлар биринчилардан бўлиб, шаҳримиздаги 96-ўрта мактабда ҳам олиб борилмоқда.

1—8 синфлар ўқувчилари учун мажбурий бўлган физминутлар яхши натижалар бера бошлади. Юқори синфларда эса бу яхши машғулотлар ўқувчилар хоҳиши билан ўтказилди.

Физминутлар Тошкентдаги 70, 143, 247-ва бошқа мактабларда ҳам жорий этилди.

Иқтидорлилар учун

Республикамиз умумий таълим мактаблари ва хунартехника билим юртиларида таълим кўраётган ўқувчилар орасида физика ва математика фанларига ўта қизиқувчи иқтидорли ёшлар кўп. Улар ўз билим ва малакасини тинмай ошира бориб шу предметларни мукаммал эгаллашга муваффақ бўлмоқдалар.

Бундай истеъдодли талабалар учун йилида яна бир қўлайлик яратилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институти базасида республика сиртки физика ва математика мактаби ташкил топди.

Унга 8,9 ва 10-синфларнинг бу фанларга қизиққан ўқувчилари қабул қилинади. Ўқувчилар сиртдан ўқишлари учун қатор имкониятларга эга бўладилар.

Ядро физикаси институти билан бирга илмий муассасалар ва олий ўқув юртиларининг таълим олимлари ҳам сиртки мактаб фаолиятига яқиндан ёрдам берадилар.

Билим ва маҳорат даргоҳини муваффақиятли тугатган ёш математик ва физиклар республика Кичик фанлар академиясига аъзо бўлиш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар.

А. АЛИЕВ.



КЛУБ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ХАЛҚҚА РОССМЕЙСТЕР ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВ

Диққат: муаммо

Шахмат—истеъдод сайқали

Шахмат сирларини кўнгил билан ўрганган кўнгил физика, химия, математика фанларини ўзлаштиришда қўлай имкониятларга эга бўлади. Унинг фикри чалқашиб кетмайди. Аксинча, муаммоларни ҳал қилиш, вазиятни баҳолашни ўрганади. Шахмат ўйнайдиган киши ҳаётини ҳар хил мантқий конструкцияларга шугулланади. Шахматнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олган ҳолда замонавий электрон ҳисоблаш машиналарининг ишони синовдан ўтказилди. Ибрани қилиб айтганда, электрон ҳисоблаш машиналарининг мутахассислари машина шахмат ўйнини дағи тўширишда муваффақиятли ҳал қилаётган экан, дедик машина программасини ҳар хил амалий вазифаларни бажариш учун мослаштириш мумкин, деган фикрга келинди.

Тажрибадан шу нарсга маълумки, шахматга бўлган ҳавас қанча арта уйғонса шунча фойдалидир. Бу нарсга етти йилдан буюн Белоруссия шаҳарларида тажрибадан ўтказилмоқда.

Энди Брест шаҳридаги 38-болалар боғчасининг мудири Л. А. Капицкаянинг фикрига қўлоқ солайлик:

— Менинг назаримда болалар шахмат ўйнашга ўргатиш улардаги синчковлик, тиришчилик хислатларини тақомиллаштиришга, ҳар бир нарсга ҳақда мантқий фикр юритишга ёрдам беради. Бу хислатлар ўқиш давомида уларнинг ҳаёроҳи бўлади. Шу боисдан ҳар кичикинтойлар шахмат секцияси машғулотларига иштирок билан қатнашишмоқда. Болалар машғулотларда актив иштирок этишяпти. Бу активлик кейинчалик мактабда ўқиш давомида катта фойда келтиряпти.

Тошкент шаҳридаги болалар боғчаларида шахмат машғулотларини ўтказишни йўлга қўйишнинг биринчи ташкилий қийинчиликлари бор. Белоруссияда бу ишни аҳолига аборнемент усулида хизмат кўрсатишни ташкил этган физкультура-соғломлаштириш комиссиялари ўз эҳтисобига олган. Бизнинг шаҳримизда бу вазифани бажаришда муаммолар бўлибди. Район шахмат бўлими, бунинг учун энг аввало шахмат ўқитувчилари — тренерлар зарур. Улар албатта болалар билан шў олиб бориш тажрибасига эга бўлишлари керак. Иккинчидан, район халқ маориф бўлимининг барча ходимлари унга қўмақлашишлари лозим.

Ленин район халқ маориф бўлимининг мудири Н. Суковча болалар боғчаларида бундай машғулотлар ўтказишнинг йўлга қўйиш тарафдори. Лекин бу ишни амалга оширишда дуч келадиган қийинчиликлардан бироз чўчиб турибди.

Ҳурматли ота ва оналар, болалар боғчаларининг тарбиячилари, сизлар бу масалага қандай қарайсизлар. Фикр ва мулоҳазаларингиз ёзилган хатларингизни кутамиз.

Р. ЗЯТДИНОВ, СССР спорт мастери.

Оқлар пиёдаси юрганда...

Комбинациянинг қайси элементлари шахматчиға кўпроқ завқ бағишлайди? Комбинация аввало, курбон бериш туфайли ўз гузаллигини намойиш қилади.



Ушбу позиция 1946 йилда ўйналган Смирнов—Котляуэр партиясида, қораларнинг 17-юришидан сўнг вужудга келган. Булғуси жаҳон чемпиони аjoyиб комбинация ишлатиб тез ғалаба қозонган.

Ҳа, юрш оқлардан. Қани дустлар, ўша пайтда 25-ўшли совет гроссмейстери В. Смирнов топган аjoyиб йўлни мустақил кидириб кўригичи!

СССР спорт мастери М. МУҲИДИНОВ тайёрлаган.

Иззатингдан айрилма

биринчи жойи — ўрнига аёл кишининг сайлангани... Сайлана солиб бўлини кўрсатмоқчи бўлиб, янги одаглар ўйлаб толгани. Қолаверса, раисликнинг анча-мунча фойдаси тегиб турувди. Қаёқда бурса, елкасига чопон ташланарди. Тўй-ҳашамларда насибаси кўпинча уйига киргизиларди. Оқ кўйлагу, оқ рўмолчалар, қийиңча-ю... Зунунвовай ҳам.

Турган гап, дастурхончи хола уларнинг тарафдори. Бўлмаса бу ерга ҳеч ким тўпланмасди. Қайнатасидан қолган бир қаричгина ҳовли, келин бўлиб тушган тоқили уйи ва айвони ҳалиям ибидиёйи. Хола ўғил кўрмаган, икки қизини ҳам бир туپканининг тагига узатган. Баъзан уйда бўлган кунлари невалари келишди, шунда хувилар ётган ҳовлига аввалига фаёз қиради. Кечга томон товоқ-қошиққа, қошиқ-товоққа урилади. Уларни эсон-омон кузатгандан кейин хола ҳаммаёқни бир-бир қўлидан ўтказди. Кейин ўтириб бир пиёла чой ичади. Шу бир пиёла чой унинг ичига тушади. «Ўнга янги чиққан» телевизорга алмаштирмайдиган «Рекорд»нинг қўлогини бурайди-ю, мириқиб томоша қилади. Айниқса, Дилафрўз ўйнаса, ўтирган жойида елкаси ўз-ўзидан қимирлайверади, кўз олдига чакансига кистрилдиғин «бешта» лиқлар келаверади. Қайси кунги никоҳ кечасида бу қилини янги рансга ётмади шеклиди, холага маъноли қараб қўйди. Бунинг Восил чўтир ҳам сездди. Қўнғилига тугиб қўйди.

Яхшига чоҳ қазисанг...



Тойчи? Той Вოსилга нега керак бўлиб қолди? Тойнинг ҳам янги рансга ҳасад бўлса керак. Ахир шу аял-да: «Идиш-товоқ сизнинг шахсий манфаатингиз учун хизмат қилаётган экан-де», деб отасини ишдан олиб ташлаган. Ахир Восил чўтир у-бу ерда гапириб-негиб қолса, «Тўғри», «Ҳа», «Иў» деб турувчи ҳам икран-да. Кўпинча шундайлар «об-ҳаво» ни тўғрилаб юборишди...

— Ийғилдикми? — олазарак ҳовлига кўз югуртиди Восил чўтир. Уни хола дарвор тўшунди.

— Эшик тамбалорлик. Тўпланганлар бир қимирлаб олишди. Восил ўтирганларга нимадир демоқчи эди, ойнадан тушиб турган қўёш нури унинг гашига теғди. Нур орасидан маҳалланинг янги ранси — ҳаммининг аяхони жилмайиб чиқиб келатганга ўхшайди.

— Қишда қўёшга бало борми? Падарига лаънат, худди «лик-лик»на ўхшайди-я. Қаерда бўлсанг, сўрамай-нетмай «ажи» девяеради.

«Лик-лик» янги рансга ҳозиргина қўйилган ном. Эрақ киши бўлганда-ку бошқа ном оларди-я, аёл кишида. Лекин ўзи келишган, ували-жували, пири-бадавлат, яқинда пенсияга чиққан. Восил чўтирга алам қилган хатнинг олди шуники эди. Емон бўлмаётгудди ҳар қалай, сал бир-икки ўринда ўзим оғирлик қилиб юбордимкин? Ё гаплари қаттиқ боттиқининг баъзиларда? «Восил-тусарини билмай қолди», деган гап оралабди. Ҳе, ўймайдими унга деса. Ким қилган яхшилигини билувди, бу ердагилар биларди. — Пардани торг!

олсаларини билмай қолди. Бир вақт томоғи қуриб қолди чоғи, пиёлага озгина чой қўйди-да, кўзини Восил чўтирдан узмай, қўлтилатди. «Е, ал-ҳазар, оқиқ айтид-қўйди-я». Хола бирдан ўзгарди: Восил чўтир тўғри айтаяпти. Ҳали

Эски раис мириққандек бўлди. «Иложи бўлса, дод, дастидан дод деб йиғлаш керак» деб қўшиб қўйди.

— Муллаёт янинг ўғилларини ишга солиш сенга. Ўт-бўтда... сал жанжал чиқарсанг бўлди. Қўрма, сенга у-бу гап тегадиган бўлса, мен турибман.

— Эвазига? — деди яна кўзини лўқ қилиб Той.

— Алоҳида гапласамиз.

Зунунвовай ва Салим сариқлар ҳам бўш қолишмади, уларга ҳам «тошириқ» берилди.

Восил чўтир хола олиб келган қайнатма шўрва ғуборни ёзадиган бўлган экан. Пиёза тўғраб, мурч солиб ичиб олди. Пешонасида пайдо бўлган майда тердан лўқиллаётган бош оғриғи босилгандек бўлди. Лекин у бир зумлик эди. Восил чўтирнинг яна афти буришди. Юрағи қинидан кўчгандек бўлди. Шуниси чатоқ — қайта ўз жойига ўтирмаслиги алам қилади. Қани энди янинг ишидаги қалтис жойини топиб олсайди. Текширганларини роса томоша қиларди-да, туширишмайди. Лекин Восил чўтир айтганига эришадиганлардан: «Аянинг обрўси дарз кетса бўлган. Уни ямаш қийин бўлади. Ох, қандай маза, аянинг асаблари чиқирайди. Минг ҳалол бўлса ҳам, одамлар олдида ўзини босиқ тутса ҳам, асаблари қақшайди, юраги нотинч бўлади. Эри шўбха қилади. Фарзандлари оналари атрофидан сўзлариндан жўнбўшга келадилар. Ондада кўнга кўринмас ваҳима ва нотинчлик пайдо бўлади. Ана шуниси маъза!»

Восил чўтир уйга келди-ю, кечаси билан тўлғаниб чиқди. Юрағи ёнди. Юмшоқ ўрни тиканга ўхшайди. Энда пишиланг ухлаётган хотини киргани. Тонг отсини, нима қилишни ўзи биларди, янги раиснинг руҳига бир оғиз сўзи билан шундай азоб берсинки, шундай эзгиласинки... Ҳали бу сўзани у ҳеч кимга айтмаган. Ҳозирча бир қўлтом совақ чой ичиб олсин.

У ўрнидан тураман деб қалқиб кетди. Боши! Бошига биров даҳшатли бир нарсга билан ургандек бўлди. Додламоқчи эди, нчидан овози чиқмади. Чирокни ёқмоқчи бўлганди, қўллари холсизланиб қолди. Гурс этиб йиқилди. Хотини чўчиб уйғонди. Довдираб чирокни ёқди ва кичириб юборди. Овозга нариги хонадан ўғли билан келини олдинма-кейин югуриб чиқди. Восил чўтир чалқанчасига чўзилиб ётарди. Ранги оқариб кетган... Кўп ўтмай Ҳана совий бошлади.

— Бўпти, — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Мабодо маҳаллада мажлис-пажлис бўлиб қолса, биринчи бўлиб ўзим гапирман. Мен салкам қирқ йиллик дастурхончиман, дейман.

— Бу гапларинг танқид эмас.

— Ҳўп, ҳозир танқидгаям ўтаман. Ҳўп... маҳаллага дастурхончи, яъний ходим керакмасмиш, қани ўлиқни ходим холансиз кўмиб тўрчи. Йа, раис бўлволдим деб сўзининг ўтказасан. Унда кўра болангиз эва, тунов кунни трамвайда учти-инга билет олмай шарманда бўлди...

Хола ўзи айтётган гапидан ўзи чўчиб кетди. Юзмаюз келганда рансга бундай деймаслигига кўзи етса ҳам, Восил чўтирнинг «хурмати» учун тилини бийрон қилди. Ҳатто бир-икки жойларда қарғаб ҳам юборди.

— Уғлим муздай нарсга ема томоғинг оғизинг ичигиб кетади-я.

— Емасам иссиғим ичимга тушиб кетади-ми?

— Ҳой, Шоқир, нега бунингга музқаймоқдан бермайсан.

— Еёлмайдилар, тишлари йўқ-ку.

Абдуллоҳон жудаям ширин болада, боғчадан келди дегунча уни ҳеч ўз холига қўймай, у юзидан бу юзидан ўпишаверади. Бундан келгач, юзини қўли билан тўсиб деди:

— Энди ҳадеб мени ўпаверманглар, бўлмаса чақалоқ бўлиб қоламан.

Съдуллажон чирокни мен ўчирман, деб харахша қилди.

Дадаси қолди: — Қандай ўчирасан, бўйинг ётмайди-ку.

— Мени кўтаринг, мени кўтаринг, кейин кўрасиз — деб Съдулла дадасига таппинди.

Дадаси «кўп майли» деди-да, уни даст кўтарди. Шунда Съдулла қўлини чўзиб чирокни «чик» этиб ўчирди деди:

— Ана кўрдингизми, бўйим етди-ку.

— «Уруш-уруш» кино экан, ёмон кўраман. қачон тамом бўлади дада, — сўради

Болалар сўзлаганда

— Уғлим муздай нарсга ема томоғинг оғизинг ичигиб кетади-я.

— Емасам иссиғим ичимга тушиб кетади-ми?

— Ҳой, Шоқир, нега бунингга музқаймоқдан бермайсан.

— Еёлмайдилар, тишлари йўқ-ку.

Абдуллоҳон жудаям ширин болада, боғчадан келди дегунча уни ҳеч ўз холига қўймай, у юзидан бу юзидан ўпишаверади. Бундан келгач, юзини қўли билан тўсиб деди:

— Энди ҳадеб мени ўпаверманглар, бўлмаса чақалоқ бўлиб қоламан.

Съдуллажон чирокни мен ўчирман, деб харахша қилди.

Дадаси қолди: — Қандай ўчирасан, бўйинг ётмайди-ку.

— Мени кўтаринг, мени кўтаринг, кейин кўрасиз — деб Съдулла дадасига таппинди.

Дадаси «кўп майли» деди-да, уни даст кўтарди. Шунда Съдулла қўлини чўзиб чирокни «чик» этиб ўчирди деди:

— Ана кўрдингизми, бўйим етди-ку.

— «Уруш-уруш» кино экан, ёмон кўраман. қачон тамом бўлади дада, — сўради

тоқатсизланиб Жамол, — жавоб берди дедаси телевизордан кўз узмай.

Жамол даров будилникни қўлига олиб милини суриб қўймоқчи бўлди.

— Ҳа, нима қилаяпсан, — ажабланди дадаси.

— Бир соат тезроқ ўтсин дедиман-да.

Китоб ўқиб ўтирган Салима бирдан хахоллаб қилиб юборган эди, ёнида турган укаси хайрон бўлиб сўради:

— Китобга қулишни ёзиб қўйганми опа?

— Бола, юз ювгандан кейин, сочиққа артгин-да.

— Ўзи қуриб қолади-ку.

— Опа, деди Ҳакимжон эрқаланиб, — бир нарсга айтсам уришмасизми.

— Ҳўш, нима экан!

— Олдин уришмайман дег.

— Гапир қол, нима гап ўзи!

— Уришмайман дег.

— Ҳана уришмайман.

— Мана бунинг қаранг, шиминга мураббо тўкиб юбордим.

Ҳабиб РАҲМАТ



«Чайқаб қолдингми, дўмбоғим».

Т. Қаримов фотоси.

Фан ва техника янгилликлари

«Чиқитдан» қоғоз

СССР Фанлар академияси Карелия филиали ўрмончилик институти олимларининг ишламаси ўров қоғоз ишлаб чиқаришда қимматли игна баргли ёғоч сарфини қайта ишлашга иккинчи бўлади. Олимлар қоғоз полотносини ҳосил қилувчи ёғоч масаланинг яригини пўстлоқ чиқитлари билан алмаштиришни тақлиф қилдилар.

Янгича усул

ТБИЛИСИ ТЭЦИ да сувни тозалашга хизмат қилувчи мураккаб қурилмалар ва химиявий моддалардан воз кеча билиш. Ҳ. Қозонларда қўйқа ҳосил бўлишига йўл қўймайдиган бу иш эндиликда буг ёрдами билан бажарилмоқда.

Сероводород тузоғи


Қозонистонлик олимлар химия ва металлургия корхоналарини чиқитларнинг сероводород-водород сульфид емиришдан сарфлашга фойдаланишни тақлиф қилдилар.

Фан ва техника янгилликлари

Қозонистонлик олимлар химия ва металлургия корхоналарини чиқитларнинг сероводород-водород сульфид емиришдан сарфлашга фойдаланишни тақлиф қилдилар.

Физкультура ва спорт

«Ёш куч» — навқиронлик



СССР ва АҚШ полвонларининг Тошкентдаги учрашувлари спорт мухлисларида жуда катта таассурот қолдирди. Тошкентлик арми...

Мусобақалар хроникаси

Эркин кураш Қирғизистон пойтахтида эркин кураш бўйича «Динамо» кўнгилли спорт жамияти марказий Советининг шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди. Тошкентлик полвонлар бу турнирда муваффақиятли қатнашиб, ўз устозларини мамнун этдилар. Чунончи, 62 килограммгача вазн тоифасида катнашган А. Бекмурзаев фахрий шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Унинг командидашлари Р. Закаръев ва Э. Юсупов кумуш медалга сазовор бўлишди. Тренерларнинг фикрича, 52 килограммгача вазн тоифасида бел олишган А. Иброҳимов олтинчи ўрин билан кифояланганига қарамай, яхши таассурот қолдирди. Умуманоманда ҳисобиде республика миқёсида вакиллари Россия Федерацияси, Украина ва Гру...

Ақмак Икромов райони мактаб ўқувчиларининг «Ёш куч» кўнгилли спорт жамияти саккиз йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда 34 мингдан зиёд ўқувчи унинг аъзосидир. Шу йиллар мобайнида жамият етакчилигида талайгина ибратли ишлар қилинди. Айниқса мактабларда жисмоний тарбия комплекс программасини қандай бажарилаётганига катта эътибор қаратилди. Бу борада 44, 74, 75, 106, 107, 203 ва 229-мактабларнинг педагоглар коллективлари сезиларли ютуқни қўлга киритишди. Мактабларда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига мутасил жалб этишнинг самарали формалари устида мунтазам изланишмоқда. Бу ерда спортнинг моддий-техника базаси ҳамшиша такомиллашмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Иккинчидан, бу программада ўқувчиларнинг саломатлиги, жисмонан бақувватлигини ҳисобга олиб, уларда мустақил машғулотларга кўникма ҳосил қилишнинг шаклланишига ўқувчилар алоҳида эътибор бериши қайд этилган.

Мактабларда педагоглар тақрибаси билан танишар экансиз, кўпича яхши жиҳозланган спорт базалари (ҳатто баъзи мактаблар иккидан залга ета), настандақ мосламаларни кўриб қувонасиз. Аммо жойларда ана шу шароитга мос, яхши тайёрланган ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этилган дарсларни афсуски оҳ учратасиз. Бу камчиликларни бартараф этиш учун район мактабларида тез-тез очик дарслар ташкил қилина бошланди. Бунда болалар организмни жисмонан янгилаштириш учун муҳим бўлган кичик, ўрта ва юқори синфларда дарсларнинг тузиллишига катта аҳамият берилмоқда. Дарсларни ўтказишга ҳозирлик кўраётган ўқитувчилар, сўнги илмий тадқиқотлар билан танишишди, машғулотларни ўтказишга масъулият билан ёндашдилар. Сўнги уч йилда ўз дарсларини шундай тарзда уюштирган районнинг энг яхши ўқитувчилари — В. Қаримбеков (203-мактаб), Д. Раҳимов (75-мактаб), Т. Худяков (107-мактаб), М. Хлебков (44-мактаб)ларнинг иш тажрибалари умумлаштирилди. Бу билан танишни кўпчилиги учун фойдаланди.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг асосий вазифаси мактаб ўқувчилари ўрта-сидда физкультура ва спортнинг омаллашувини резервларни топиш ҳамда истиқболли ёшларни тарбиялаш устидаги изланишлардан иборат. Мактабларда бунинг учун шароитлар яратилган. Бу борада ибратли тақриблар бор ва у бошқа мактабларда қўлланилмоқда. Жумладан, 75-мактаб ўқитувчиси В. Мороз барча синфлар учун уйда бажариладиган машғулотлар комплексини ишлаб чиқарди. Ўқувчилар топширилган ўй вазифаларининг бажарилишини қайд этувчи кундалик дафтар тугдилар. Ўқув марта мобайнида бир неча марта катта кўриш ишлар ўтказилди. Бу ўқитувчиларга ўқувчилар уй топшириқларини қандай бажарилаётганини текширишда ёрдам беради. Бундай услуб катта ижобий самара беради: ўқувчи мустақилликка, жисмоний тарбия машғулотларини муттафак бажаришга кўникади, спортга қизиқиши ортади.

Районда оммавий-спорт ишларининг янги формалари амалга оширилмоқда. Масалан, ўқувчиларнинг анъанавий «Саломатлик кунлари» мусобақаларидан ташқари «Харбий хизматга қадирилувчилар кунлари» югуриши ва комплекс беллашувлар ўтказилмоқда. Бирок, мактаб ўқувчиларининг «Ёш куч» кўнгилли спорт жамияти олдда ҳали муаммолар анча. Чунончи, йирик спорт мусобақалари, район спорт байрамлари, ёшларнинг саломатлик кунларини ўтказиш учун зарур бўлган маданий-спорт комплекслари районнинг ўзига йўқ. Шунингдек бирорта ҳам усти берк сузиш учун сув ҳавзаси ёки стадион мавжуд эмас. Аммо умид қиламизки, ҳадемай физкультура ва спорт ишларини янада оммавийлаштириш учун районда шундай яхши спорт иншоотлари барпо этилади.

К. ТИТОВ, «Ёш куч» район Совети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълоҳиси. Р. ИБРОХИМОВ.

Бу—қизиқ

Антарктида ўти

Польшалик ботаниклар Антарктида яқинидаги оролардан келтирилган ўтларни иккилаштириш борасида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ҳозирдаёқ бу ўтлардан камидан икки тури Европада униб ўсиши маълум бўлди, бироқ бунга гивҳларни шўр сув билан сугорилгандагина эришиш мумкин экан.

Тадқиқот натижалари шөҳарларни кўкеламзорлаштириш борасида амалий аҳамият касб этади. Маълумки, киш фаслида кўчаларга муздан халос этиш учун туз сеппилади ёки шўр қорчиша пуркалади. Одатдаги хибонлар бундан зарарланади. Ҳатто бутунлай куриб қолади. Антарктида ўтлари тузга чидамли, шунинг учун Европа гивҳлари ўрнини эгаллаши мумкин.

Рангли пахта

Перулик индеецлар жуда қадимдан табиий бўлган — сарғиш, жигар ранг, бинафша ранг ва кулранг тусдаги пахта етиштирилган. Яқинда селекцияонерлар олиб борган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, бундай одатдан ташқари нава пахталарни Перудан бошқа ерларда ҳам қийинчиликсиз етиштириш мумкин экан.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТЕАТР

НОВОИИ НОМЛИ «ЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА» — 13.1 да Оловли фаршита, 14/1 да Севитга севиб билан.

ХАМЗА НОМЛИ «ЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА» — 13.1 да Ғурини қароқчи урди, 14/11 да Курорт.

КИНО

13 ФЕВРАЛДА

БАДИИИ ФИЛЬМЛАР: «ИККИ ЕҚЛАМА ҚОҶОН» — Санъат сарой (16, 18.30, 20.45; телефон 4-21-34, 44-21-44, 44-21-74). «МОСКВА УЧУН ҲАНГ» — Чайка (17, 21.00; телефон 77-06-20), Нукус (17, 2; телефон 46-70-69), Қозғистон (16, 17, 20.00; телефон 35-24-92).

«УТА ҲИМЛИ ВА МАФТУННОР» — Ватан (жуфт соатларда, сўнги сеанс 21.30 да, телефон 74-30-38), Москва (тоқ соатларда, сўнги сеанс 20.40 да, телефон 33-05-01).

«ҚАНДАЙ БАХТИЕР БУЛИШ МУМКИН» — Гучча (16, 18, 20; телефон 42-9-22). «У МЕНИ ЕҚТИРАД» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-0), «АЛВИДО, ҒУР ШИЛИГИМ» — Искра (18, 20.00; телефон 39-14-59), Қозғистон (19, 21.00).

14 ФЕВРАЛДА

БАДИИИ ФИЛЬМЛАР: «ИККИ ЕҚЛАМА ҚОҶОН» — Санъат сарой (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74). «МОСКВА УЧУН ҲАНГ» — Чайка (11, 13.30, 15.30, 21.00, телефон 77-8-20), Лисунов номли (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-0), Қозғистон (12, 13, 16, 17, 20; телефон 35-24-92), Вата (12, 15, 18, 21.00, телефон 74-30-38).

ҚАНДАЙ БАХТИЕР БУЛИШ МУМКИН» — Гучча (16, 18, 20.00; телефон 42-02-22), Москва (тоқ соатларда, сўнги сеанс 20.40 а, телефон 33-05-01). «АЛВИДО, ҒУР ШИЛИГИМ...» — Искра (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59), Қозғистон (11, 15, 19, 21.00).

«ЎЗ КЎЗИНГ ҲАН КҲР» — Нукус (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — совет цирки уалари иштирокда катта раиғанар программа (19.30).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АХОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА

чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислар: зоотехник, ветеринар, агроном, бухгалтер, экономист, қаа ревизор.

Справкалар ва ишга йиланмалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: Марказий пункт — Претар кўчаси, 4-уй. 3-подъезд 5-хона. Собир Раҳимов пўни — Қорасарой кўчаси, 370-а.

БОСМАХОНА ЕКИ Б'ОРТМАЧИНИНГ МАТЕРИДИ. ДАН ХИЗМАТ ГУВОҲДМАЛАРИ ТАЙЕРЛАВ БРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАД

Сешанба ва жума қилари қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри Ленин кўчаси, 41-уй. Телефонлар 33-90-50, 32-53-62.

«Ташшлодоовошч» билашмасининг Чилонзор улғричакана савдо кўптораси складининг 676-678, 680-689, 706-707, 714, 719, 721-722, 724-750 номерлардаги ўқолган.

ДАВЛАТ КВИТАЦИЯЛАРИНИНГ ЭСКИ НАУНАЛАРИ ВА

ИШТАМИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон «Ибириетика» илмий-ишлаб чиқариш бириллашмаси коллектив лаборатория мудири, физик профессор М. Э. Эрматовга иғлисин

Дилбархон АҚБАРОВНИНГ вафот этганлиги муносаати билан чуқур таъзини изҳор қилади.

РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

Кубалик артист, гимнаст-атлет КРУМАИС АЛЕХАНДРО МЕГЕЛИО ПЕСЕНТО, бўғма илон ўргатувчи ИГОРЬ ПЕТРУ ХИН, таниқли масхарабоз, Арманистон ССР да хизмат кўрсатган артист ВИЛЕН МЕЛИКҶАНЯН иштирок этади. Томошалар 19.30 да, шанба кўчалари 16 ва 19.00 да, якшанба кўчалари эса соат 13, 16, 19.00 да бошланади. КОЛЛЕКТИВ ВУЛИБ КЎРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАН ТУШГАН ЗАЯВКАЛАРГА БИРИНЧИ НАВБАТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ. КАССА ҲАР КЎНИ СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ДАМ ОЛИШ КЎНИСИЗ ИШЛАЙДИ. Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

«ЖЕМЧУГ»

ЯНГИ ЗАРГАРЛИК МАГАЗИНИ ЧОРЛАЙДИ Магазин Ленин кўчаси, 77-уйда жойлашган СИЗ БУ МАГАЗИНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИБ ТИЛЛА ТАКИНОЧҚЛАР, КУМУШ БУЮМЛАР, МЕТАЛЛ БЕЗАКЛАР, СОАТЛАР, БИЛДҮР ВА ЧИННИ БУЮМЛАР, БИЖУТЕРИЯ МОЛЛАРИНИ СOTИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус соат 14 дан 15.00 гача. «Жемчуг» магазинига 1, 3, 5, 7, 10, 11, 22, 25-трамвайлар билан борилади. «Марказий бозор» бекати. «ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРНИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 56-47-13).

«Зенит-ТТЛ» сифатга кафолат беради

АГАРДА СИЗ «ЗЕНИТ — ТТЛ» ФОТОКАМЕРАСИ БИЛАН СУРАТ ОЛАДИГАН БЎЛСАНГИЗ СЛАЙДЛАР, РАНГЛИ ВА ОҚ-ҚОРА ТАСВИРЛИ СУРАТЛАР ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЧИҚАДИ. Бу — «Зенит»лар оиласидан энг такомиллашган моделдир. Объектив орқасига жойлаштирилган фоторезисторли экспанометр қурилмаси рангли пленкага сурат олаётганда экспозициянинг айниқса аниқ бўлишини таъминлайди. «Зенит-ТТЛ» фотокамераси «сақровчи» диафрагмали «Ге-диос-44М» объективи билан таъминланган. Миньорастр ва Френель нўзгуси орқали суратга олинандиган жой мўлжалга олинади. Алмаштириладиган объективлардан фойдаланиб суратга олиш имкониятларини янада кенгайтириш мумкин. «Ташкультторг»нинг ихтисослаштирилган магазинлари, ГУМ, ЦУМ ва «Чилонзор» савдо марказида кичик форматли, кўзгули «Зенит-ТТЛ» фотокамерасини сотиб олиш мумкин. Фотоапарат баҳоси — 180 сўм. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

КАТТА ҲАМ, КИЧИК ҲАМ СОЗАНДА

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ Музика асбобларини таклиф қилади

ПИАНИНОЛАР: «БЕЛАРУСЬ» (Борисов фабрикаси, Борисов шаҳри). Баҳоси — 760—785 сўм; «ЭЛЕГИЯ» (Свердловск фабрикаси, Урал шаҳри). Баҳоси — 590 сўм. «ЛИРИКА» (Москва музика чолғу асбоблари фабрикаси). Баҳоси — 690 сўм. «ИВЕРИЯ» (Тбилиси шаҳри). Баҳоси — 650 сўм; «РОСТОВ-ДОН» («Кавказ» музика бирлашмаси). Баҳоси — 676 сўм.



ГУМ (телефон 42-27-39).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)



15.00 Янгиликлар. 15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.10 «Рус тили». 16.45 «Эрмитаж. Италиян уйғониш санъати». 4-кўрсатув. 17.15 М. Карлович. Скрипка ва оркестр ижроси учун ял мажор концерти. 17.45 Болалар учун фильм. «Фил ва арқонча». 18.30 «Жойида ҳел этилмоқда». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Балет артистларининг концерти. 20.40 «Ташхиллар». 1-кўрсатув. Кўрсатуни азувчи Ю. Семёнов олиб боради. 21.30 «Время».

22.05 «Ташхиллар». 2-кўрсатув. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 «Оқшом тароналари». ● МТ II 18.30 Янгиликлар. 18.45 Композитор Г. Мовсеян билан учрашу. 19.30 «Махсус сўбет». Совет тинчлик фонди ҳақида ҳужжатли фильм. 19.40 Реклама. 19.45 «Дарсдан сўнг». Телевизион журнал. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Ўлиқ маллика ҳақида эртка». Мультипликацион фильм. 1-қисм. 20.45 «Харакат хевфсизлиги учун». 21.15 «Тренажёрлар». Илмий-

оммабон фильм («ЛНФ»). 21.30 «Время». 22.05 Симфоник музикада рақс оханглари. 22.50 «Театр ва давр». ● УЗТ В 7.30 Ритмик гимнастика. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» Мультифильм. 8.00 «Тоғги тароналари». 8.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Уринбосерлар улғаймоқда». 8.30 «Ахборот». 8.50 «Оленька». Телевизион бадиий фильм (рус.). 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. «Мен кизил ўрмон оёсини чизаман».

18.30 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин ҳақида ҳикоялар». 19.10 КПСС XXVII съездига бағишланган Бутуниттифоқ шағбалик олдидан. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Савол беринг — жавоб берамиз». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Мақом кечаси». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ягона оилада». КПСС XXVII съездига бағишланган ҚҚАССР ва республика областларининг телевизион фестивали. Хоразм область» Бадиий коллективларининг концерти. 23.20 «Ховли тўғлари». Ҳужжатли фильм («Ўзбектефильм»). 23.40 Кўрсатувлар программаси. ● УЗТ II 9.00 — 16.05 МТ II 18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Биология. 18.40 «Рассом ҳақида кисса». Телефильм. 18.55 ЎзССР тарихи. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ритмик гимнастика. 20.05 Физике. Электр майдони. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Шаҳарнинг кундалик юмушлари ва муаммолари». «Тошкент кафееси қандай бўлиши керак?» (рус.). 21.30 МТ II

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Наиритининг Меҳнат Қизил Байроқ орденини босмахонаси. Тошкент шаҳри. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов. РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет кўришлари — 32-55-37; санаоат ва нуриллиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.